

## ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Очилова Ситора Салим қизи**

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси*

*мустақил изланувчиси.*

**Аннотация:** *Жиноят ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш учун бир фаолият мавжуд бўлиб, у ҳам бўлса аниқ фаолият ҳисобланади. Фаолият узига яраша шаклларга ажралади. Булар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳуқуқбузарликларни фош этиш ва тергов қилиш, ҳуқуқбузарликлар учун тайинланган жазони ижро этиш кабилардир.*

**Калит сўзлар:** *Принцип, қонунийлик, инсонпарварлик, ҳуқуқбузарлик, тизимлилик, умумий, ижтимоий профилактика, қонун.*

Жиноятчиликка қарши курашиш кишилик жамияти олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, давлатчилик пайдо бўлгандан кейин ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жиноятлар учун жазо тайинлаш ва уларнинг олдини олиш давлатнинг аниқ фаолият йўналишларидан бири сифатида намоён бўлди.

Бугунги кунда жиноятчиликка қарши курашиш аниқ мазмунга эга фаолият ҳисобланади. Шу сабабли ушбу фаолиятнинг қоидаларини принцип сифатида шакллантириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Таҳлиллар асосда жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини қуйидаги шаклларга ажратиш мумкин:

ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси;

ҳуқуқбузарликларни (шу жумладан жиноятларни) фош қилиш ва тергов қилиш;

ҳуқуқбузарликлар учун тайинланган жазони ижро этиш.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, жаҳонда ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишнинг таъсирчан тизимини яратиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига мурасасизлик муносабатини сингдириш, профилактик ишларни мувофиқлаштириш, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш бўйича қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб ҳисобланади. шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш тизимини такомиллаштириш истиқболларини тадқиқ этиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда .

Айни вақтда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид учта қонун мавжуд. Хусусан, 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонунда илк

бор ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бевосита ҳуқуқий асослари белгиланди . Мазкур қонунда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий принциплари ҳам ўз ифодасини топган. Шунингдек, 2014 йил 14 майда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунда эса ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид муносабатларни умумий принциплари белгиланган . 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда эса хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинади . Бироқ мазкур қонунда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш фаолиятининг принциплари ўз ифодасини топмаганлиги ажабланарли. Бинобарин ҳар қандай барқарор фаолиятнинг ўз принциплари бўлиши шарт.

Шундай қилиб, бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қуйидаги асосий ва умумий принциплари мавзуд:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

а) ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси бўйича:

қонунийлик;

инсонпарварлик;

тизимлилик;

ишонтириш усулининг устуворлиги;

таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва яқка тартибдаги ёндашиш.

б) вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий принциплари:

қонунийлик;

инсонпарварлик;

тизимлилик;

оилани қўллаб-қувватлаш ва у билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларнинг тарбиясига яқка тартибда ёндашиш.

Шу билан бирга алоҳида жинойтларга қарши курашиш бўйича ҳам махсус қонунлар қабул қилинган бўлиб ушбу қонунларда ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг маълум принциплари ўз ифодасини топганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, И.Ю. Фазилов одам савдоси профилактикасининг асосий принциплари сифатида қуйидагиларни келтиради:

қонунийлик;

инсонпарварлик;

тизимлилик;

ишонтириш усулининг устуворлиги;

таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва яқка тартибдаги ёндашиш;

одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги;  
одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик;  
ижтимоий ҳамкорлик .

Ҳуқуқбузарликларни (шу жумладан жиноятларни) фош қилиш ва тегов қилиш – жиноятчиликка қарши курашишнинг энг таъсирчан чораларини ифодалайди.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларни (шу жумладан жиноятларни) фош қилиш ва тегов қилишга оид қонунчилик ҳужжатларида ҳам ўзига хос принциплар белгиланганлигини кузатиш мумкин.

Хусусан, 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда тезкор-қидирув фаолиятининг асосий принциплари сафатида қуйидагилар белгиланган:

қонунийлик;

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги;

конспирациядан, ошкора ва ноошкора усуллар уйғунлиги .

Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг аниқлаш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш тартибини бегиловчи Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда эса қуйидаги принциплар ўз фиодасини топган:

қонунийлик;

фуқароларнинг қонун олдида тенглиги;

демократизм;

инсонпарварлик;

одиллик;

айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги .

Жиноят кодексининг ҳам принциплари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг принциплари билан деярли бир хил. Хусусан улар қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

фуқароларнинг қонун олдида тенглиги;

демократизм;

инсонпарварлик;

одиллик;

айб учун жавобгарлик;

жавобгарликнинг муқаррарлиги .

Жиноят ишларини юритишнинг ягона тартибини белгиловчи Жиноят-процессуал кодексда эса принципларга алоҳида ёндашувни сезиш мумкин. Хусусан кодекснинг алоҳида боби принципларга ажратилган бўлиб улар қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши;

жиноят ишларини ҳайъатда ва якка тартибда кўриб чиқиш;  
судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши;  
жиноят ишини кўзғатишнинг муқаррарлиги;  
одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш;  
шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш;  
фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш;  
судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши;  
жиноят ишлари юритиладиган тил;  
жиноят ишларини юритишда жамоатчиликнинг иштироки;  
ҳақиқатни аниқлаш;  
айбсизлик презумпцияси;  
гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш;  
судда ишларни юритишда тортишув;  
далилларни бевосита ва оғзаки усулда текшириш;  
процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи .

Б.А. Саидов Жиноят-процессуал кодексида белгиланган жиноят процесси принципларини шартли равишда қуйидаги турларга бўлади:

- конституциявий принциплар;
- соҳавий принциплар;
- махсус принциплар .

Шунингдек, мазкур муаллиф Жиноят-процессуал кодексини қуйидаги мазмундаги 101 -моддаси билан тўлдириш: Жиноят процесси принциплари Жиноят процессининг принциплари – жиноят процессининг босқичлари, институтлари ва нормаларини белгиловчи, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш тизими ва мазмунининг умумий шартлари ҳамда ҳар бир иш бўйича қонунийлик, асосланганлик ва адолатни таъминлаш бўйича устувор қоидалар мажмуидир. Жиноят процесси принципларининг бузилиш хусусияти ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда жиноят иши доирасида амалга оширилган тергов ва процессуал ҳаракатлар натижаларининг яроқсиз деб топилиши қабул қилинган қарорларнинг бекор қилинишига ёки мазкур иш бўйича тўпланган далилларнинг мақбул эмас деб баҳоланишига олиб келади

Ҳуқуқбузарликлар учун тайинланган жазони ижро этиш ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мажбурий ва зарурий жиҳатларини ифодалайди. Гап шундаки, жазонинг асосий функцияларидан бири ҳам аслида профилактика ҳисобланади. Хусусан, Жиноят кодексининг 42-моддасига кўра жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинойӣ фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши белгиланган .

Жиноий жазоларни ижро этиш тартибини белгиловчи Жиноят-ижроия кодексининг принциплари сифатида қуйидагилар белгиланган:

қонунийлик;

адолат;

инсонпарварлик;

демократизм;

жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш;

мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш;

маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш .

Юқоридаги принципларга назарга назар ташлайдиган бўлсак, уларда профилактик мазмун этишмаслигини кузатиш мумкин. Хусусан Н. Салаев жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари принципларининг профилактик функциясини такомиллаштириш, маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатига профилактик нуқтаи назардан ёндаш лозимлигини таъкидлаб, Жиноят-ижроия кодексининг 6-моддасида ушбу кодекснинг принципларига умумий тушунча (таъриф) берилмаганлигига эътибор қилган ҳолда тадқиқотчи жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари принципи тушунчасига қуйидаги таърифни берган: жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг принциплари – давлат томонидан ижтимоий ривожланиш қонуниятларига асосан белгиланган, халқаро-ҳуқуқий нормаларга мувофиқ қонунда таърифланган, жиноий жазоларни ижро этиш ва профилактика чораларини амалга оширишга қаратилган раҳбарий қоидалардир .

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки:

биринчидан, жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятининг умумий принциплари ягона механизмга бирлашмаган ва улар ўртасида диалектик алоқадорлик мавжуд эмас;

иккинчидан, жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятининг умумий принципларида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига оид нормалар етарлича ўз ифодасини топмаган;

учинчидан, жиноятчиликка қарши курашиш фаолияти принципларининг тушунчаси белгиланмаган;

тўртинчидан, жиноятчиликка қарши курашишга оид айрим қонунларда принциплар мавжуд эмас.

Хулоса ўрнида жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятининг умумий принципларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бу борадаги қонунчилик ҳужжатларида умумий ёндашувларни шакллантириш, принципларни қонун нормаларида изоҳлаш мақсадга мувофиқ.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

Б.А. Саидов. Ишни судга қадар юритишда шахсинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини такомиллаштириш: дис. афтореф ... ю.ф.д – Тошкент, 2020. – 24 б.

И.Фазилов. Одам савдосига қарши курашнинг жиноятҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: дис. афтореф ... ю.ф.д – Тошкент, 2016. –б. 30.

Н. Салаев. Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш: дис. афтореф ... ю.ф.д – Тошкент, 2017. – 17-18 б.

С.Б. Хўжакулов. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): дис. афтореф ... ю.ф.б.ф.д – Тошкент, 2019. – 5 б.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // <https://lex.uz/docs/111453#184336>.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/acts/1685726>.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган “Тезкор-кидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун // <https://lex.uz/docs/2107763>.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/acts/2387357>.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/4494709>.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси // <https://lex.uz/acts/163629>

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460#252826>

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // <https://lex.uz/docs/97664#197938>.